XALQ DEPUTATLARI SHOFIRKON TUMANI KENGASHI
QAROR

Shofirkon tumani, Mustaqillik ko‘chasi, 4-uy. Tel: (365) 502-20-04

2023 - yil 23 - mart VI-75-30-2-41-K/23 Shofirkon tuman hokimligi

Шофиркон тумани маҳаллий бюджетининг йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағларини йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг тегишли моддаларига асосан Халқ депутатлари Шофиркон тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Туман ҳокимининг туман маҳаллий бюджетининг йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан Хожа Ориф МФЙ ҳудудидаги Маданият ва истироҳат боғига тоза ичимлик суви тортиш учун керак бўладиган қурилиш материалларига 17586,0 (ўн етти миллион беш юз саксон олти) минг сўм, ҳамда аҳоли гавжум бўлган Бобоато МФЙ ҳудудидан ўтувчи асосий йўлга сунъий нотекислик ўрнатиш харажатлари учун 7650,0 (етти миллион олти юз эллик) минг сўмлик маблағлар йўналтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Туман ҳокими в.в.б Н.Раҳмонов, туман ҳокимлиги молия бўлими (Н.Наимов) билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси талаблари асосида туман маҳаллий бюджетининг тасдиқланган параметрларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришларни киритиш вазифаси топширилсин.

3. Туман бўйича ғазначилик бўлинмаси (Д.Жабборов) ажратиладиган маблағларни белгиланган тартибда “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида мақсадли ишлатилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокими в.в.б Н.Раҳмонов зиммаларига юклатилсин.

5. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Сессия раиси **А.А.Обидов**